

НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

№ 62

Когон тумани

2022 йил 12.8.16

“Махсулот етказиб берувчи” деб аталувчи “Бухоро нефть базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият директори И.Норов бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи томондан Когон тумани Нозимов номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари Н.И.Ахмедов иккинчи томондан, ушбу шартнома ни куйидагилар ҳақида тузилар.

1. Шартноманинг 1-боби (Шартноманинг мавзуси) қуйидаги тахрирда баён қилинсин.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Махсулот етказиб берувчи” Республика +хон ашё биржаси савдоларида ютиб олган Дизель ёқилгисини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефть-газ тармоғининг молиявий баркарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига 8-банди 4-хатбошига асосан ўтган haftaдаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача қопирковка нархларида ҳамда 2022 йил давомида “Истеъмолчи”га етказиб беради.

1.2. “Махсулот етказиб берувчи” Республика хон ашё биржаси савдоларида ютиб олган автобензин АИ-80 маркали автомобиль бензини ва дизель ёқилгисини (шу жумладан ЭКО маркали дизель ёқилгисини) махсулотини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефть-газ тармоғининг молиявий баркарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан сотиб олинган нархига устама қўйиб “Истеъмолчи”га етказиб беради.

1.3. “Истеъмолчи” “Махсулот етказиб берувчи” томонидан етказиб бериладиган автобензин ҳамда дизель ёқилгисини махсулотлари учун олдиндан 100% тўловни амалга ошириб боради.

1.4. “Истеъмолчи” нинг нефть махсулотлари “Махсулот етказиб берувчи” нинг ҳисобидан ва унинг Автоёнгилликларларида “Истеъмолчи” нинг манзиллига етказиб берилади. “Истеъмолчи” нинг хоҳишига кўра нефть махсулотлари “Истеъмолчи” нинг автоёнгилликларларида олиб чиқиб кетилиши мумкин.

2. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу шартномага асосан етказиб бериладиган нефть махсулотларининг нархи ҚҚС (15%) ни ҳисобга олган ҳолда кўрсатилади.

2.2. Мазкур шартноманинг умумий суммаси 18 000 000 сўми ташкил қилади.

2.3. Нефть махсулотларининг нархи белгиланган тартибда ўзгартirilган кундан бошлаб етказиб бериладиган нефть махсулотларига янги нарх қўлланилади. “Истеъмолчи” нинг ҳақдорлиги мавжуд бўлгани ҳолда нарх ўзгартган кунгача олиб кетилмаган нефть махсулотлари ҳам янги нархларда “Истеъмолчи”га етказиб берилади (сотилади).

2.4. Етказиб бериладиган (берилган) нефть махсулотлари учун тўлов 100% пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Истеъмолчи” нинг хуқуқлари:

а) ушбу шартномага асосан тегишли сифатдаги ва ассортиментдаги нефть махсулотлари етказиб бериши “Махсулот етказиб берувчи” дан талаб қилиш;

б) етказиб берилган Нефть махсулотлари сифатини аниқлашда иштирок этиш;
в) сифатсиз Нефть махсулотлари етказиб берилган ҳолларда “Истеъмолчи”;
- сифатли ана шундай турдаги нефть махсулотларини “Махсулот етказиб берувчи” хисобидан етказиб берилишини талаб қилиш;

- нефть махсулотларининг сифатини “Махсулот етказиб берувчи” хисобидан тиклашни талаб қилиш;

- етказиб бериш муддатлари бузилган ёки сифатсиз нефть махсулотлари етказиб берилган ҳолларда махсулотни қабул қилишни рад этиш;

г) “Махсулот етказиб берувчи” дан шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

3.2. Истеъмолчиларнинг мажбуриятлари:

а) мазкур шартномага асосан етказиб бериладиган нефть махсулотлари учун “Махсулот етказиб берувчи” нинг банкдаги ҳисоб рақамига олдиндан 100% тўловни амалга ошириш;

б) шартномага мувофиқ етказиб берилган нефть махсулотларини миқдор ва сифати бўйича қабул қилиш;

в) махсулотлардан белгиланган максалларда фойдаланиш.

3.3. “Махсулот етказиб берувчи” қуйидаги хуқуқларга эга:

а) мазкур шартнома мажбуриятлари “Истеъмолчи” томонидан тўлиқ ёки қисман бажарилмаган тақдирда ҳамда унинг натижасида “Махсулот етказиб берувчи”га моддий зарар етказилса “Истеъмолчи”га нисбатан жарима санкцияларини қўллаш ва етказилган зарарни ундириб олиш чораларини қўриш, шу жумладан судларга Даво аризалари қиритиш;

б) “Комитент”нинг топширини (таксимот реестри)га мувофиқ ушбу шартномага асосан “Истеъмолчи”га етказиб берилган нефть махсулотларини қабул қилишдан асосиз бош тортиланлиги натижасида етказилган зарарнинг қоплалишини “Истеъмолчи”дан талаб қилиш;

в) етказиб берилган нефть махсулотлари сифатининг шартномада белгиланган талабларга, шунингдек, амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқлигини таъминлаш;

г) агар нефть махсулотларини етказиб бериш жараёнида “Махсулот етказиб берувчи” шартнома шартлари ва нормативларидан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Истеъмолчи”нинг талаби билан аниқланган барча қамчиликларни 5 кун муддатда ўз ҳисобидан бартараф этиш;

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган ҳисобланади.

4.2. Нефть махсулотларини ёнлиги тарқатиш шахобчасидан етказиб беришда, расмийлаштирилган тарқатиш варақасида “Истеъмолчи” вақилининг махсулотни қабул қилганлиги тўғрисида имзоси қўйилган сана, агар махсулот “Махсулот етказиб берувчи” нинг омонбидан “Истеъмолчи”нинг вақили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Махсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.3. Нефть махсулотлари учун олдиндан ҳақини тўлагани ва “Махсулот етказиб берувчи”нинг топширини (таксимот реестри)га мувофиқ “Махсулот етказиб берувчи” томонидан нефть махсулотлари етказиб берилганда “Истеъмолчи” томонидан ўз вақтида қабул қилиб олиши “Истеъмолчи” томонидан шартномавий мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. Нефть махсулотлари “Истеъмолчи”га ёнлиги тарқатиш шахобчаларидан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда ёки транспорт воситасида етказиб берилиши мумкин.

4.5. "Истеъмолчи"нинг розилиги билан ҳақи тўланган нефть маҳсулотлари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Ушбу нефть маҳсулотлари кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган маҳсулот ҳисобига ўтказилади.

4.6. Назарда тутилган микдордан ортиқча бир номда нефть маҳсулотлари етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган нефть маҳсулотларининг ўзинини тўлдирishi сифатида қарамайди ва етказиб берилмаган нефть маҳсулотларининг ўрни қопланиши (тўлдирилиши) лозим бўлади, бундай нефть маҳсулотларининг етказиб бериш "Истеъмолчи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича амалга оширилиши ҳоллари бундан мустасно.

4.7. Етказиб берилган нефть маҳсулотлари бевосита "Истеъмолчи"нинг масъул ходими томонидан қабул қилиб олинади. Тошйириш-қабул қилиш ҳужжатига етказиб берилган нефть маҳсулоти микдори кўрсатилади. Сифатига оид ҳужжатнинг нусхаси "Истеъмолчи"нинг талаби билан берилади.

4.8. Нефть маҳсулотларининг етказиб бериш мазкур шартномада кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

5.1. Шартнома 2022 йил 31 декабр кунининг якунига қадар амалда бўлади.

5.2. Шартнома газначилик бошқармаси (бўлими)да қайд этилиши шарт бўлса, газначилик бошқармаси (бўлими)да рўйхатдан ўтказилган санадан юридик кучга киради ва 2022 йил 31 декабр кунининг якунига қадар амалда бўлади.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Агар етказиб берилган нефть маҳсулотларининг сифати, ассортименти, навлари стандарт техник шартлар талабларига, наъмуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, "Маҳсулот етказиб берувчи" сифати зарур даражада бўлмаган нефть маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

6.2. Нефть маҳсулотларининг кечиктириб етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Маҳсулот етказиб берувчи" "Истеъмолчи"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеня суммасининг умумий микдори етказиб берилмаган нефть маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Етказиб берилган нефть маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда, "Истеъмолчи" "Маҳсулот етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.4. "Истеъмолчи" томонидан сарфланган транспорт харажатлари ва бошқа қўшимча тўловларини тўламаганлиги учун "Маҳсулот етказиб берувчи" "Истеъмолчи"га тўлов муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи, бироқ тўлов муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

7.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шартларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар – зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала, қонун ва қонуности ҳужжатлардаги ўзгаришлар ва ҳоказолар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайди.

7.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларнинг бошланиши ва тугаши тўғрисида тарафлар зудлик билан бир-бирларини,

"Маҳсулот етказиб берувчи"ни ҳамда енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-тақдирлар) бўйича комиссияни ёзма равишда хабардор қилишнинг шарт.

7.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда тарафлар, қондага кўра, мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача хал этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Форс-мажор ҳолатларини аниқлашда шартнома тарафлари қатнашиши лозим.

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

8.2. Тарафлар ўзаро келишолмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар жавобгар жойлашган иқтисодий судда хал қилинади.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, иккинчи тарафнинг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага хар қандай ўзгариш ва қўшимчалар ёзма шаклда амалга оширилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада вақолатга эга бўлган вакиллари томонидан имзолангандан сўнггина ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг иккала нусхаси ҳам тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Шартноманинг бажарилишида бир томонлама рад этиш ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгаришига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

10. Томонларнинг юридик манзиллари, банк рекевизитлари ва имзолари:

"Маҳсулот етказиб берувчи"

"Бухоро нефть базиси" МЧЖ

Бухоро вилояти, Когон тумани

Туткунда МФЙ

X/c: 20210000904268620001

ХАТВ "Orient Finans bank" Тошкент ш

Шайхонтоҳур ф-л ИНН: 204587384

МФО: 01115

Туткунда МФЙ

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

МФО: 01115

"Бухоро нефт базаси" МЧЖ

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Нефт маҳсулотлари номи	Ўлчов бирлиги	1 тоннаси нархи	Микдори, тонна	Умумий суммаси
1	Автобензин АИ-80	Т-Н			18 000 000
2	Автобензин АИ-91	Т-Н			—
3	Дизел ёқилгиси	Т-Н			—
4	Мой маҳсулот	Т-Н			—
	Жами:				18 000 000

Изоҳ: Автобензин ёқилгисининг нархи Ўзбекистон Республикаси товар ҳом шиф биржасида _____ йил кунлардаги (ўтган ҳафтадаги) шакланган ўртача биржа котировка нархига нефт база устамаси қўшиб ёзилади. Ушбу нарх _____ йил кунгача амал қилади. Автобензин АИ-80 АИ-91 ДТ-эко маҳсулотига биржа электрон савдолари орқали сотиб олинган маҳсулот нархига нефт база устамаси қўлинилади.

Умумий жами: 18 000 000 (18 миллион) сўм

Махсус спецификация икки нусхада тузилди.

